O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№84-85 (637-638)
2022 йил 14 октябрь, жума
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ОСТОНА САММИТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

13 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда 50 га яқин кенгашга аъзо мамлакатлар ва кузатувчилар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари қатнашди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Фаластин Давлати Президенти Маҳмуд Аббос, Қатар Давлати Амири Тамим бин Ҳамад бин Халифа Ал Таний, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси ўринбосари Ван Цишань, Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан иштирок этди.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) – хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, савдо ва иқтисодий шериклик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган халқаро форум. Жорий йилда ушбу форумни яратиш ташаббусига 30 йил тўлди.

2-бет

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлашдан мамнунман.

Учрашувимизни юқори савияда ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Шунингдек, Кенгаш фаолияти юзасидан бугун бу ерда билдирилган баҳоларни ҳам маъқуллайман.

Ўтган давр давомида ушбу тузилма хавфсизликни таъминлаш, Осиёда ўзаро ишонч ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кенг ва очиқ мулоқот учун муҳим майдон сифатида ўзининг ғоят зарур эканини кўрсатди.

Форумимизни трансформация қилиш масаласи бўйича қўшма фаолиятда иштирок этишга тайёрлигимизни билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бугун биз халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ортиб, мулоқот ва ишончнинг мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси кўп томонлама ҳамкорлик асосларига путур етказмоқда, можароларнинг авж олишига сабаб бўлиб, глобал иқтисодиётда тизимли узилишларга олиб келмоқда.

Юзага келган янги геосиёсий воқелик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилмоқда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича бизнинг саъй-ҳаракатларимизни секинлаштирмоқда.

Ушбу омилларнинг умумий хавфсизлик борасидаги манфаатларга, тараққиёт ва фаровонлигимизга таъсиридан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз зарур.

2-бет

# САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида қатор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

**Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашувда кенг кўламли стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши кўриб чиқилди**.

Қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва янги ишбилармонлик ташаббусларини амалга ошириш, Туркия етакчи компанияларининг мамлакатимиздаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол гуманитар алмашинувларни, энг аввало, маданият ва таълим соҳаларида давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Вазирларнинг “Ўзбекистон – Туркия – Озарбайжон” форматидаги мунтазам учрашувлари доирасида самарали мулоқотни кенгайтиришга келишиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзига ажратилган қароргоҳда Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Бағдод Амреевни қабул қилди.**

Кейинги йилларда ташкилот доирасидаги мулоқот фаоллашиб, кўп қиррали ҳамкорлик кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил ноябрь ойида Самарқандда бўладиган саммитга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарларининг мажлиси арафасида кун тартибини ҳамда савдо, инвестиция, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари ва гуманитар алмашинув бўйича кўп томонлама ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида вазирлар даражасида қатор учрашувлар бўлиб ўтади.

Ташкилот саммитини пухта тайёрлаш учун ушбу нуфузли минтақавий тузилма котибияти билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

2-бет

# “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ғоясининг амалий ифодаси







Ҳонқа туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви.







Янгиариқ туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли қурилиш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Нафақат марказий шаҳарлар, балки вилоятларнинг энг чекка туманларида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилаётгани шаҳарсозлик анъаналарининг давомийлигини таъминлайди. Хоразм вилоятининг Ҳонқа туманидаги ишлар мисолида мавзуни давом эттирамиз.**

– Ҳонқа туманида аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида 2021-2022 йилларда бир қатор ишлар бажарилди, – деди Ҳонқа тумани ҳокими ўринбосари Дилшод Отамуродов. – Жумладан, Дўстлик маҳалласида 5 қаватли 6 та бино 120 та оилага топширилди. Ёш куч маҳалласида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивида 5 йиллик режамизга кўра, 52 та кўп қаватли уйлар топширилиши кўзда тутилган. 2022 йилнинг ўзида 5 та 9 қаватли бино 268 та оилага топширилади. Шунингдек, уй-жойга муҳтож аҳолини уй билан таъминлаш мақсадида субсидиялар ажратилмоқда. Шуни алоҳида айтишимиз керакки, кейинги 5 йил давомида 3 мингдан ортиқ оилаларга уйларни топширишни режа қилиб олганмиз. Бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳонқа туманидаги Ширин маҳалласи жуда обод манзиллардан бирига айланган. Бир томонда 5 қаватли 3 та уйда 90 та хонадон қурилган ва улар баҳорда ўз эгаларига топширилган эди. Эътиборли жиҳати, яна 5 та турар жой уй-жойга муҳтож оила вакилларига бепул тарзда берилди. Мамлакатимиз мустақилигининг 31 йиллиги арафасида ушбу уйлар тантанали равишда ўз соҳибларига топширилган эди.

– Президентимизнинг халққа ғамхўрлиги сабабли шундай уй-жойлар бизга бепул берилди, – деди янги уй соҳибаси Зайнаб Сафаева. – Ҳамма шароитлар бор. Уйлар жуда ҳам чиройли қурилган, тўлиқ жиҳозланган. Орзуимдаги уй. 3 нафар фарзандим бор. Шу кунга қадар нотурар жойда 25 йил давомида яшаб келдим. Ҳозирда келинларим билан замонавий хонадонда истиқомат қилиш бахтидан мамнунман. Юртимизда инсоннинг қадри улуғланяпти. Ана шу каби улуғланган инсонлар сафида эканимдан хурсандман.

2-бет

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

### Аудит ўрганиш ишлари олиб борилди

**“CERT International” МЧЖ вазирлик бошқарув тизими сертификатлаштириш аудитининг иккинчи босқичи ИСО 37001:2016 ва Ўз ДСт ИСО 37001:2019 талабларига мувофиқлиги амалга оширилиши белгиланган.**



Жорий йилнинг 10-11 октябрь кунлари аудиторлар гуруҳи С. Луқманов, Р. Умбетов, Н. Ракицкая томонидан Қурилиш вазирлиги масъуллари иштирокида семинар ўтказилди. Унда аудит ўрганиш ишлари олиб борилди.

Аудит натижаларига кўра, жиддий номувофиқликлар аниқланмади.

### Жанубий Корея ва Голландия тажрибаси юзасидан фикр алмашилди



**Қурилишда техник меъёрлаш маркази масъуллари ҳамда Корея Республикасининг Қурилиш ва технологиялар институти (KICT) мутахассислари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.**

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКда ўтказилган мулоқотда шаҳарсозлик бўйича Жанубий Корея ва Голландияда бу йўналишда тўпланган тажриба хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Шунингдек, учрашувда шаҳарсозлик бўйича меъёрий ҳужжатлар таҳлил қилинди. Ўз навбатида кореялик мутахассислар ҳам шаҳарсозлик нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифларини билдиришди.

### “Оқила аёллар ҳаракати” фаоллари иштирокида семинар-тренинг

**Қурилиш вазирлиги Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бошланғич ташкилоти, Тошкент архитектура қурилиш институти, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти билан ҳамкорликда “Оқила аёллар ҳаракати” фаоллари билан семинар-тренинг ўтказилди.**



“Янги замон аёлининг маънавий маданиятини шакллантириш” мавзусида бўлиб ўтган семинарда ёшларга намуна бўладиган аёллар ўз билим ва тажрибаларини талабалар билан ўртоқлашдилар. Суҳбат давомида аёл-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№84-85 (637-638) 2022 йил 14 октябрь

# ОСТОНА САММИТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

1-бет

Бугунги кунда ОҲИЧКда 28 та давлат иштирок этмоқда. Яна 9 та мамлакат ва 5 та халқаро ташкилот кузатувчилар мақомига эга. ОҲИЧКнинг олий органи Давлат ва ҳукуматлар раҳбарларининг саммити ҳисобланади. 2020 йилдан буён ОҲИЧКда Қозоғистон раислик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида дунёдаги вазиятга баҳо берар экан, халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ўсиб, мулоқот ва ишонч мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганини қайд этди.

– Юзага келган янги геосиёсий воқелик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилмоқда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича бизнинг саъй-ҳаракатларимизни секинлаштирмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Аввало, бошқа ўткир халқаро муаммолар қалқиб чиқиши оқибатида иккинчи даражага тушиб қолаётган Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Шавкат Мирзиёев Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий ва мувофиқлаштирилган ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Осиё мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига қўшма мурожаати имкониятларини кўриб чиқиш таклиф этилди. Бу мурожаатда Афғонистон ҳукумати билан томонлар мажбуриятларини босқичма-босқич бажариш алгоритмини тайёрлаш ва келишиш учун юқори даражадаги халқаро музокара гуруҳини шакллантириш ҳақидаги ташаббус ифода этилган.

Радикал ғояларнинг хуружи кенгаяётгани, экстремистик ташкилотларга ёшларни фаол жалб этишга уринишлар умумий хавфсизликка таҳдид солмоқда. Шу муносабат билан бу борада тизимли ҳамкорлик кераклиги қайд этилди.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида Ўзбекистон турли ёшдаги инсонлар ўртасида бир-бирини яхшироқ тушунишга даъват этадиган, фарзандларимизнинг энг долзарб муаммоларига биргаликда ечим излашга кўмаклашувчи янги форматни – авлодлар мулоқотини йўлга қўйиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Осиё мамлакатлари иқтисодиётини глобал инқирознинг ўсиб бораётган салбий оқибатларига мослаштириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, глобал бозорларни беқарор қиладиган янги чекловлар жорий этилишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқариш-логистика занжирини ва минтақаларни самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш, билимлар иқтисодиётини илгари суриш, инновациялар трансфери салоҳиятини янада тўлиқроқ ишга солиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги ёндашувларни таклиф этди. Булар – озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш яхлит тизимини яратишдир.

Ушбу барча масалалар ФАО шафелигида 2023 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда муҳокама қилинади.

Экология муаммоларини ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни ҳамда мамлакатларимизни жадал кўкаламзорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича "Яшил Осиё" концептуал дастури доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш таклиф қилинди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон раҳбари замонавий таҳдидларни фақат мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкинлигига ишонч билдирди.

Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз илгари сурган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусининг асосий мақсади инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда гуллаб-яшнаш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилган.

Саммитда кенгашга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди. БМТ Бош котибининг видеомурожаати намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

# "ИНСОН ҚАДРИ УЧУН" ғоясининг амалий ифодаси

1-бет

– Янги уйларнинг бири бизнинг оиламизга ҳам топширилганидан бошимиз кўкка етди, – деди яна бир уй соҳиби Санъат Одамов. – Биз буни тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эдик. Авваллари шароитимиз жуда оғир бўлиб, далада яшаганмиз. Тўрт нафар фарзандимиз бор. Уларни ўқитиб, зиёли, давлатимизга фойда келтирадиган комил фарзандлар этиб тарбиялашни ният қилганмиз. Инсон қадри улуғланган юртда яшаяпмиз. Бизнинг оиламиз ҳам қадр топганидан, ўз уйимизга эга бўлганимиздан бағоят мамнунмиз.

Жамиятимизда бугунидан мамнун инсонлар сони кундан-кун ортмоқда. "Инсон қадри учун" ғоясини ўзида мужассам этган эзгу ғоялар ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳаётига янгича яшаш завқини бермоқда. Бугунги кунда вилоятнинг Янгиариқ туманида 119 минг аҳоли истиқомат қилади. Йилдан йилга аҳоли сони ортиб бормоқда. Ўз навбатида одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳам ортяпти. Янгиариқ тумани марказида 6,5 гектар ерда барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида нафақат кўркам ва замонавий бўлган уй-жойлар, балки таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари иш бошлайди, бу эса шу ерда яшовчи аҳолига қулайлик бўлиб хизмат қилади. Яқинда янги уйларнинг бир қисми ўз эгаларига байрамона тарзда топширилди.

– Президентимизга миннатдорчилигимизни билдирамиз, – деди янги уй соҳибаларидан бири Шаҳноза Каримова. – Барча қулайликларга эга бўлган уйларга кўчиб кирдик. Фарзандларимиз билан замонавий ва барча қулайликларига эга бўлган хонадонларда яшаш бахтидан масрурмиз. Бу ерда газ, сув, электр энергияси ҳаммаси бисёр. Янги қурилган болалар майдончаси завқ олиб ўйнаётган зурриёдларимизни кўриб, фарзандларимизнинг келажаги албатта ёруғ бўлади деган умид кўнглимиздан жой олди.

Шаҳноза Каримова каби Ирода Бердиева ва Юлдуз Юсупова ҳам янги уйларнинг калитига сазовор бўлишди. Инсон қадрининг улуғлигини ҳис қилаётган ушбу ёшлар ҳам берилаётган имкониятлардан миннатдор.

– Шундай шинам, кўркам уйларда яшаш ҳар бир аёл кишининг орзуси, – деди Ирода Бердиева. – Бизга ҳам мана шундай хонадонларнинг калитларини топширишди. Айниқса, туман марказида жойлашгани ҳамда барча қулайликларнинг мавжудлиги бизга жуда ҳам маъқул келди. Болалар боғчаси, умумтаълим мактабининг яқинлиги фарзандларимиз учун қулайлик яратса, ишхонамизнинг шу атрофда экани сабабли узоғимиз яқин бўлганидан мамнунмиз.

Туманда тобора қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивида 37 та 5 қаватли 770 та уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилиши кўзланган. Айни кунларда улардан 7 та 5 қаватли 170 та хонадонли уйлар қуриб битказилди. Яқинда ушбу массив энг кўркам ҳудудлардан бирига айланади. Бунинг учун эса ушбу масканда ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

# САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

1-бет

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф бошчилигидаги делегация билан ҳам музокара ўтказди.**

Аввал эришилган келишувларга мувофиқ, икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мавжуд салоҳият ва кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳимлигини қайд этдилар.

Афғонистонда тинчлик жараёнига ва ижтимоий-иқтисодий тикланишга кўмаклашиш мақсадида "Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш истиқболлари батафсил муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан билан учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.**

Учрашув аввалида Вьетнам делегацияси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Вьетнам Президенти Нгуен Суан Фукнинг самимий саломини етказди.

Музокаралар чоғида шоличилик, пахтачилик, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва тўқимачилик маҳсулотларини, автомобиллар учун бутловчи қисмлар ва электроника ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишларда ҳамкорлик қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш мақсадида яқин ойларда экспертлар даражасида ўзаро ташрифлар ўтказилиши, Ҳукуматлараро комиссия фаолияти қайта тикланиши ҳамда Ўзбекистон – Вьетнам Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилиши юзасидан келишиб олинди.

Парламентлараро муносабатларни йўлга қўйиш, таълимга оид ва бошқа қўшма гуманитар дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

1-бет

**Биринчидан**. Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб этмоқда.

Афсуски, бошқа ўткир халқаро муаммоларнинг етакчи ўринга чиқиши натижасида Афғонистон масаласи иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Ўтмишда ушбу давлат амалда халқаро террорчилик маконига айланиб қолгани билан боғлиқ аччиқ тажриба қайта такрорланишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий ва мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишимиз зарур. Афғон муаммоси юзасидан кенг консенсусга эришиш ва глобал даражада амалий чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида Афғонистон ҳукумати билан томонларнинг ўз мажбуриятларини босқичма-босқич бажаришига қаратилган алгоритм, яъни тартиб-қоидани ишлаб чиқиш ва келишиш лозим. Бунинг учун юқори даражада халқаро музокаралар олиб борадиган гуруҳни шакллантириш ҳақидаги ташаббус ифода этилган Осиё мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига биргаликдаги мурожаатида мужассам бўлган имкониятларни кўриб чиқишни таклиф этамиз.

**Иккинчидан**. Биз радикал ғояларнинг кенг хуружига янада кўпроқ тўқнаш келмоқдамиз.

Бузғунчи кучлар тарғибот ва мафкуравий таъсирнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда, экстремистик ташкилотларга ёшларни фаол жалб этмоқда. Шу муносабат билан ёш авлодни радикализмдан асраш, уларнинг куч-ғайрати ва азму шижоатини бунёдкорлик сари йўналтириш учун тизимли ҳамкорликни ўрнатишимиз керак. Ўғил-қизларимиз ўз кучига ишониши, адолатли келажакни қарор топтиришдаги ўз иштирокини ҳис этиши, салоҳият ва орзу-умидларини амалда рўёбга чиқариш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Мажлисимизнинг Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида турли ёшдаги инсонлар ўртасида бир-бирини яхшироқ тушунишга даъват этадиган, фарзандларимизнинг энг долзарб муаммоларига биргаликда ечим излашга кўмаклашадиган янги форматдаги фаолиятни – авлодлар мулоқотини йўлга қўйишни таклиф этамиз. Бундай илк учрашувни Ёш етакчилар форуми доирасида 2023 йил апрель ойида Самарқандда ўтказишга тайёрмиз.

**Учинчидан**. Бугунги учрашувимиз кун тартибидаги муҳим масала – иқтисодиётларимизнинг глобал инқирознинг кучайиб бораётган салбий оқибатларига мослашувидан иборатдир.

Бу борада протекционизмнинг кучайишига, глобал бозорларни беқарор қиладиган янги чекловларнинг жорий этилишига йўл қўймаслик; Осиё қитъасида ўзаро боғлиқликни биринчи галда ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғлайдиган транспорт йўлакларини яратиш ҳисобидан кучайтириш муҳимдир.

**Тўртинчидан**. Жаҳон саноат инқилобининг янги босқичига ўтишнинг асоси бўлган билимлар иқтисодиётини ривожлантириш барқарор тараққиётга қарши қаратилган таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Инновациялар трансфери соҳасидаги салоҳиятни янада тўлиқ ишга солиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, "булутли" технологиялар, сунъий интеллект, "буюмлар Интернети"ни ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу йўналишларда Осиё мамлакатлари глобал даражада етакчи бўлишга биргаликда эришиш учун барча имкониятларга эгадир.

**Бешинчидан**. Қитъамизнинг кўплаб давлатлари истеъмол маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари ҳисобланади ва озиқ-овқат инқирозининг оқибатларини жуда ўткир ҳис этмоқда.

Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, очликдан азият чекаётган сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпи Осиё қитъасида яшамоқда. Парадокс шундан иборатки, бир вақтнинг ўзида айнан бизнинг мамлакатларимиз жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлари ҳисобланади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги йўналишларда янгича ёндашувлар, айниқса, зарурдир. Булар озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо-сотиқнинг ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича яхлит тизим яратишдан иборат.

Ушбу барча масалаларни ФАО шафелигида келгуси йили Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда муҳокама қилишни таклиф этаман.

**Олтинчидан**. Экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришни ҳамда мамлакатларимизни жадал кўкаламзорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича "Яшил Осиё" концептуал дастурлари доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйишни таклиф этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Ишончим комилки, замонавий таҳдидларни фақатгина мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам биз илгари сурган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусларининг асосий мақсади инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда тараққиётга эришиш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилгандир.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Саммит иштирокчилари!

Биз Қозоғистоннинг Кенгашга 2024 йилга қадар раисликни давом эттириш ҳақидаги истагини қўллаб-қувватлаймиз ва қозоғистонлик дўстларимизга омадлар тилаймиз.

Ишончим комил, шериклик ва ишончни мустаҳкамлаган ҳолда, умумий интилишларимиз билан биз эзгу мақсадларга – мамлакатларимиз тинчлиги, барқарорлиги ва равнақини таъминлашга эришамиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# Кузқиш мавсуми: НАМАНГАН ТАЖРИБАСИ




**Юртбошимиз ташаббуси билан Наманган шаҳри марказлашган иссиқлик тизимини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Наманган шаҳри Давлатобод туманида ҳар бирининг қуввати 60 МВтга тенг бўлган 2 та марказий қозонхона, 64,0 км узунликдаги иссиқлик тармоқларини қуриш ва 400 та индивидуал иссиқлик пункти ўрнатиш ишлари амалга оширилиб, 350 та кўп қаватли уйдаги 16 316 хонадон, яъни 382 минг аҳоли ва 37 та ижтимоий соҳа объектлари иссиқлик билан таъминланди.**



Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, биргина жорий йилнинг ўзида 7 та иссиқлик таъминоти объектида қурилиш ва реконструкция ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бунда 36,9 км узунликдаги иссиқлик тармоқлари, 5 та марказий, 3 та маҳаллий қозонхона қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, натижада 25 мингдан зиёд хонадондан иборат 531 та кўп қаватли уй ва 52 та ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсад қилинган.

Яқинда Наманган шаҳрида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод Ҳидоятов ҳамда Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразаков иштирокида иссиқлик тизимини модернизация қилиш бўйича республика миқёсидаги амалий семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ҳокимларининг капитал қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосарлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари бошлиқлари қатнашди.

Семинар иштирокчилари дастлаб Наманган шаҳри Давлатобод туманида янги барпо этилган 1-марказий қозонхона фаолияти билан танишдилар. Мутасаддилар қозонхонанинг замонавий, рақамлаштирилган тизими, энерготежамкор технологияларини кўздан кечирдилар. Шундан сўнг, кўп қаватли уйларнинг марказлашган иссиқлик тизимига уланганлиги ҳамда ертўлалар ҳолати ўрганилди.

Мазкур семинарда ўзаро тажриба алмашиш ва соҳани ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Қурилиш материаллари стандартлаштириляпти

**Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сўнгги йилларда қурилиш материаллари соҳасига кўплаб хорижий инвестициялар жалб этилиб, ишлаб чиқариш қамрови ошди. Эндиликда маҳсулотларни халқаро стандартларга уйғунлаштириш, сифат даражасини ўрганиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишга урғу берилмоқда. АОКАда Қурилиш вазирлиги мутасаддилари ва "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси мутахассислари томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу масалаларга эътибор қаратилди.**

Президентимизнинг "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида халқаро стандартларни ўрганиш, соҳага татбиқ этиш ҳамда сифатли ва хавфсиз янги турдаги материалларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида 2019-2021 йилларда 1 387 та ISO ҳамда EN халқаро стандартлари қабул қилинди. Масалан, дераза, эшик ва жалюзилар учун 29, керамик плитка учун 28 та, пластмасса қувур тизимларига 43, йиғма темир-бетон маҳсулотлари учун 48 та ҳамда бошқа турдаги материалларга халқаро стандартлар жорий этилди.

Шу билан бирга, 1 650 та ишлаб чиқарувчи корхоналарда 1 758 та халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ISO 9001, ISO 14001, ISO 45001, ISO 50001 менежмент тизимлари. Бундан ташқари, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ISO 9001 сифат менежменти тизими 1 610 та, ISO 14001 экологик менежмент тизими 103 та, ISO 45001 касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлашни бошқариш тизимлари 35 та ҳамда ISO 50001 энергетика менежмент тизимлари 10 та корхоналарда реализация қилинди.

Шунингдек, "Qizilqumsement" АЖ корхонасида ISO 9001, ISO 14001, ISO 45001, ISO 50001 талаблари бўйича цемент ва қурилиш оҳаги ишлаб чиқариш жараёнларига интеграллашган менежмент тизими (ИМТ) жорий этилган ва "TUV THURINGEN"нинг TIC 15 100 74910; TIC 15 104 161413; TIC 15 118 19045; TIC 15 275 20223 рақамли сертификатлари берилди.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан "Фарғона Ясин қурилиш" МЧЖда цемент маҳсулотлари юзасидан ўтказилган профилактик тадбирдан сўнг корхона ISO 9001, 14001, 45000 халқаро стандартлар билан таъминланиб, мувофиқлик сертификати олишда ва синов лабораториясини маъқуллашдан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада, корхона Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ички бозорини сифатли цемент маҳсулотлари билан таъминлади ҳамда импорт ҳажми сезилари даражада камайишига эришилди. "Asia Metall Prof" МЧЖ учун Европа Иттифоқининг ЕН нормалари асосида мувофиқлик сертификати олишда амалий ёрдам кўрсатилди, маҳсулотларни Европа Иттифоқига экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, 2022 йил якуни билан соҳа бўйича 27,6 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, 1,8 миллиард АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилиши, 600 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорт қилиниши, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 981 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Цемент ишлаб чиқариш ҳажми 2016-2021 йилларда 1,7 бароборга ошган бўлса, 2022 йилда 15,2 миллион тонна, 2025 йилга бориб 25,3 миллион тонна ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда. Бу жараёнда соҳани халқаро стандартларга уйғунлаштириш орқали қурилиш материаллари сифат даражасининг оширишга эришиш мумкин.

# ПОЙТАХТДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР
## ОАВ ВАКИЛЛАРИ НИГОҲИДА









**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бири бўлмиш Абай кўчасидан қўзғалган автоуловимиз Ислом академиясини ортда қолдириб, муҳташам Мустақиллик майдонига яқинлашди. Шусиз ҳам кўркамлиги билан юртимиздаги барча шаҳарларга намуна бўлиб келаётган бош кентимиздаги бунёдкорлик ишларидан кунда-кунора бохабармиз. Аммо бу галги сафаримиз айнан янги барпо этилаётган турар жой мажмуалари билан танишиш бўлгани боис, ҳар қадамда амалга оширилаётган қурилишларни кузатарканман, бу обод манзилларга қараб шундай гўзал ва тинч юртда яшаётганимдан яна бир бор қувондим.**

Бу кўркамликнинг яна бир сабаби – олтин кузнинг оташин манзараси, десам адашмаган бўламан. Нега дейсизми? Кечагина яшиллиги билан дилларни қувонтирган дов-дарахтлар бугун тилларангда товланиб кўзни қамаштирмоқда. Янгидан янги барпо этилаётган муҳташам бинолар эса бу манзарада янада ўзгача кўркамлик кашф этгандек туюлади.

Пойтахтдаги кўп қаватли уйларнинг сифати, топширилиш муддати, умуман, қурилиш жараёни билан ОАВ вакилларини таништириш мақсадида Қурилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган пресс-тур иштирокчилари энг аввало, Сергели туманида қурилаётган 16 қаватли турар жой мажмуасида бўлишди. Қурилиш ишлари май ойида бошланган ушбу объектда айни пайтда ишлар қизғин давом этяпти. Қурувчиларнинг 24 соатлик тартибда ишлаши натижасида бино жадаллик билан кўкка бўй чўзмоқда. Лойиҳага кўра, биринчи босқичда ушбу ҳудудда 24 та турар жой барпо этилиши мақсад қилинган бўлиб, айни пайтда 8 та уй қурилиб, тез орада фойдаланишга топширилиши кўзда тутиляпти. Шунингдек, уйлар ҳудудида мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, поликлиника, 3 қаватли автотураргоҳ ҳам қурилиши мўлжалланган. Айни пайтда бу ерда 150 нафар ишчи қурилиш ишлари билан банд.



– Бу каби лойиҳалар асосида шу пайтгача ҳам кўплаб 16 қаватли, монолит уйлар қурилган, – деди Тошкент шаҳар Қурилишда ҳудудий назорат инспекциясининг Сергели тумани бош инспектори Муҳриддин Зиёвуддинов. – Ушбу намунавий лойиҳа "ТошкентбошпланЛИТИ"га тегишли бўлиб, зилзилабардошлилиги, чўкиши, қурилиш материалларининг ўлчовлари ва маркалари ҳисобга олинган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Қурилиш ишлари бошлангач, туман инспекцияси томонидан қурилиш жараёнида бажарилиши керак бўлган ёзма кўрсатмалар берилган ва натижаси таъминланган. Белгиланган графикдан озроқ орқада қолишаётганини ҳисобга олмаганда қурилиш ишлари режага мувофиқ давом этмоқда.

Асосан, аҳолига ипотека кредити асосида берилиши мўлжалланаётган ушбу уйлар бунёдкори "Peal build" МЧЖ бўлиб, режадаги барча хонадонлар 2026 йилгача қуриб битказилиши белгиланган.

Қандай инсон бахтли ҳисобланади? Албатта, бу саволга аксариятимиз тани соғ ва бошпанаси бор инсон, деб жавоб берамиз. Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган халқпарвар ислоҳотлар замирида ҳам айнан шу масала биринчи ўринда тургани ҳам бежиз эмас. Ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини қондириш, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тақдим этиш, хусусий пудрат ташкилотларини замонавий кўп қаватли уйлар қурилишига кенг жалб қилиш каби масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Биз борган иккинчи объект – Янгиҳаёт тумани Янги дархон маҳалласида қад ростлаётган турар жой мажмуаси бўлиб, бу ерда 1 936 хонадондан иборат 24 та 16 қаватли уй қурилмоқда. Қурилиш ишлари икки босқичда олиб борилиб, биринчи босқич шу йил охирига қадар тугалланади ва хонадонлар ўз эгаларига топширилади. Ҳозирги кунда объектда 5 мингдан ортиқ ишчининг бандлиги таъминланган.

Қурувчиларнинг таъкидлашича, лифтдан ташқари барча қурилиш материаллари маҳаллий корхоналар маҳсулоти экан. Бу эса, уйлар нархининг аҳоли учун қулайлигини янада оширишга хизмат қилади. Зеро, юртимизда ишлаб чиқарилаётган радиаторлар, акфа эшик ромлар, сувоқ материаллари, газоблок, ламинат каби қурилиш материаллари бошқа давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Уйлар лойиҳаси "Univer pro Stile" МЧЖ томонидан яратилган бўлиб, буюртмачи "Ўзшаҳарқурилишинвест" инжиниринг компанияси ҳисобланади.



– Тадбиркорлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган ушбу массив қурилиши икки босқичда амалга оширилиб, ҳар бирида 12 тадан уй қуриб битказилади, – деди "Ўзшаҳарқурилишинвест" инжиниринг компанияси матбуот котиби Фаррух Дўстов. – Биринчи босқич йил охирига қадар, иккинчи босқичдаги уйлар эса келгуси йилнинг биринчи чорагида аҳолига тўлиқ битган ҳолатда топширилади. Энг муҳим жиҳати, уйлар аҳолига 20 йиллик ипотека кредити ҳамда субсидия асосида берилмоқда. Тошкент шаҳрида субсидияси бор фуқароларнинг асосий қисми мана шу массивдан уй олган бўлиб, умумий турар жойларнинг 41 фоизи субсидияга берилган. Хонадонлар хоналарга ажратилган, ранглар билан бўялган, сантехникаси билан тўлиқ таъминланган, газ плита, иситиш қозони ва ҳисоблагичлар ўрнатилган ҳолатда аҳолига топширилади. Ҳар бир уйда иккитадан замонавий лифт мавжуд бўлиб, бири юклар учун, иккинчиси аҳолига хизмат қилишга мўлжалланган. Икки хонали уйлар майдони 56, 3 хонали уйлар эса 70 квадрат метрни ташкил қилади.

Бу каби уйларнинг тез фурсатда қурилиб, аҳолига топширилиши яхши, албатта. Аммо уларнинг сифати ҳам шунга мосми? Қурувчилар фаолияти ва объектдаги иш жараёни қандай назорат қилиняпти?

– Ушбу объектда доимий назорат ўрнатилган, – деди Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Янгиҳаёт тумани бош инспектори Асқар Абдусаломов. – Ҳозирги кунга қадар ишчиларга бажарилиши мажбурий бўлган 77 та ёзма кўрсатма берилган бўлиб, камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Қурувчилар аниқланган камчиликларни жойида тузатишяпти. Масалан, баланд қаватли бино бўлгани учун бу каби объектларда техника хавфсизлиги биринчи ўринда туриши керак. Баъзи уйларда техника хавфсизлигига амал қилинмаган ҳолатлар кузатилади, уларга тушунтириш ишларини олиб борамиз. Ёки армакаркаслар нотўғри тўқилиши аниқланган ҳолатлар бўлса, жойида буздириб, қайтадан қурилишини таъминлаймиз. Бажарилган вазифалар суратлари билан акс эттирилиб, тузатилгани ҳақида хабар берилади. Илгари бу каби 16 қаватли уйлар фақат электр токи билан таъминланган. Ҳозирда тўлиқ газлаштириляпти. Айни пайтда объектда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Уйлар фасади базальт билан қоплангани боис, қишда иссиқ ва ёзда салқин бўлиши кўзда тутилган. Бу каби монолит девордан қурилган уйлар зилзилага чидамлилиги билан ҳам аҳамиятли.

Демак, ҳар бир ишда сифат энг муҳими бўлиши керак. Бу жараённинг холис, шаффоф ва тўлиқ назорати инспекторлардан катта масъулият талаб қилади. Ушбу масъулиятли вазифани бажаришда Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан ишга туширилган янги тизим – "Қурилишда давлат назорати" платформасининг ёрдами катта бўлмоқда. Айни пайтда ушбу тизим республика миқёсида амалга ошириляпти. Тизим орқали эндиликда қурилиш жараёнидаги ҳар бир ҳолат рақамлаштирилади. Масалан, қурилиш жараёнида юритилиши керак бўлган журналлар тўлиқ электрон тартибда ишлайди. Шунингдек, техник назорат, муаллифлик назорати, пудратчининг ички назорати ҳам электрон равишда танлаш йўли билан амалга ошириляпти. Бу тизимда пудратчиларни масофадан туриб назорат қилиш йўлга қўйилди. Инспекторлар планшетлар билан таъминланган. Янги тизим қурилиш сифатини ошириш билан бир қаторда, инспекторларнинг вақтдан унумли фойдаланишини ҳам таъминламоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, келгуси йилдан "Қурилишда давлат назорати" тизимига ҳар бир фуқаро бемалол кириб, қурилиш жараёнидаги ўзига қизиқ бўлган ҳолатларни кузатиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, қурилиш материалларининг сифати, сертификати борлиги ҳамда лойиҳа асосида бажарилаётганини ҳам назорат қилиш мумкин. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 496-сонли қарорига асосан, объектнинг мураккаблик тоифасига қараб инспектор томонидан назорат белгиланади. Масалан, тўртинчи тоифадаги объектда бир ойда тўрт мартадан ошмаган ҳолатда назорат ўрнатиш мумкин. "Қурилишда давлат назорати" тизимида бунинг ҳам графиги белгилаб қўйилган. Масалан, битта инспекторга 80 та объект бириктирилган бўлса, 80 та объект 22 иш кунига тенг қилиб, жадвал шаклида бўлинади. Тизимда инспекторнинг бир ойда неччи марта объектга чиқиши автоматик равишда белгилаб қўйилган. Қайсидир объектга чиқилмаётган бўлса, бу ҳам тизим орқали аниқланиб, тегишли чора кўрилади.



– Ассалому алайкум, холажон яхшимисиз?

– Ва алайкум ассалом, раҳмат, қизим.

– Меҳмонга келибсизда...

– Биз чол-кампир йилнинг ярмини Тошкентда, ўғлимизникида ўтказамиз. Илгари икки хонали тор уйда яшарди. Ҳозир мана бу чиройли ва янги уйдаги тўрт хонали хонадон бизники. Шундай кенг, шундай шинамки, бундай уйда одам маза қилиб яшайди. Бизга жуда маъқул. Ўғлим ўзи хоҳлагандек таъмирлаб олди.

Ҳақиқатан ҳам, пресс-тур давомида биз борган навбатдаги манзил – Шайхонтоҳур туманидаги "Янги Камолон" турар жой мажмуаси Бекажон хола таърифлаганидек, ташқи томониданоқ кишини ўзига жалб қилади.

"INTER STROY-INVEST" МЧЖ томонидан қурилган ушбу иккита уйда 44 та квартира бор. Мажмуа қурилиши 2017 йилда бошланган бўлиб, айни пайтда барча қурилиш ишлари тугатилиб, хонадонлар эгаларига топширилган. Хонадонлар деворларга бўлинган, қорасувоқ қилинган, қоммуникациялари ва ҳисоблагичлар ўрнатилган ҳолатда топширилган. Мажмуа таркибида ер усти ва ер ости автотураргоҳи, соғломлаштириш майдончаси ҳам мавжуд.

Пресс-тур иштирокчилари бориб кўрган сўнгги манзил ҳам ушбу туманда қурилаётган кўп қаватли турар жой мажмуаси бўлди. Қурилиш назорати инспекцияси мутасаддиларининг таъкидлашича, объект қурилиши муаммосиз эмас. Таҳлилий ўрганишлар натижасида ҳудудда тозаликка риоя қилинмагани, қурувчилар учун ижтимоий-маиший шароит қониқарли эмаслиги аниқланган. Келгуси йилнинг 3-чорагигача 4 та 16 қаватли уй тўлиқ қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Бугун нафақат биргина пойтахтимиз, балки юртимизнинг барча ҳудудида кўплаб бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Демак, йилдан-йилга ўз бошпанасига эга, бахтли юртдошларимиз сафи ҳам ортиб бораверади. Бу жараёнда энг муҳими – уйлар сифатли, чиройли ва шинам бўлиши ҳамда аҳолига кўп йиллар давомида муносиб хизмат қилишидир.

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ОИД ТАЛАБЛАР СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Яқинда "Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Эндиликда мазкур қарорга асосан қурилиш соҳасидаги ишланмалар қайта кўриб чиқилади.**

Қарорнинг мазмун-моҳияти шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини замонавий халқаро стандартлар билан уйғунлаштирган ҳолда тизимлаштириш, қурилиш соҳасида инновацион лойиҳавий ечимлар ва замонавий илмий-техник ишланмаларни қўллаш имкониятини кенгайтириш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган.

Маълумки, ҳозирги кунда Қурилиш вазирлиги Корея Республикасининг Корея қурилиш муҳандислик ва қурилиш технологиялари институти (KICT) билан ҳамкорликда 2021-2024 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон қурилиш нормаларини модернизация қилиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини республиканинг геологик, табиий-иқлим ва сейсмологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда илғор хорижий давлатлар нормативлари билан уйғунлаштириш ишлари олиб борилади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тизимлаштириш орқали қурилиш соҳасида ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан уйғунлаштириш, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қурилишга оид халқаро норматив-техник ҳужжатларга мувофиқлаштириш ишлари қурилиш соҳасидаги талабларни соддалаштиришнинг асосий мақсадларидан бўлмоқда.

Шунингдек, қарорга кўра 2023 йил 1 январдан бошлаб "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун доирасида амалга ошириладиган қурилиш-монтаж, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қиймати смета-ресурс нормалари асосида шакллантирилади, қурилиш-монтаж, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштираётган тадбиркорлик субъектлари учун смета-ресурс нормалари тавсиявий хусусиятига эга бўлади, қурилиш регламентлари ҳамда смета-ресурс нормалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар жумласига кирмайди ҳамда уларни Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари камида ҳар 3-4 йилда қайта кўриб чиқилади ва заруратга кўра янгилаб борилади, қурилиш материаллари ва жиҳозларига оид стандартлар фақат Қурилиш вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда қўлланилишига рухсат этиладиган хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган ҳамда хорижий давлатларда экспертизадан ўтказилган лойиҳаларнинг тегишли қисмлари Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри тан олинади ва ушбу қисмлар бўйича маҳаллий экспертиза органларидан экспертизадан ўтказилмайди. Қурилиш вазирлигига "Қурилиш регламентлари" ва "Смета-ресурс нормалари"га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уларнинг янгиларини қабул қилиш ёки аҳамиятини йўқотганларини бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№84-85 (637-638) 2022 йил 14 октябрь

**Жиззах вилояти**

# “GEOBASALT PRODUCTS” – тошни ноёб толага айлантираётган корхона

**Зебо НАМОЗОВА,**
журналист.

**Чўл ўртасида бўртиб чиққан тоғ тошларидан инсон соч толасидан 5 баробар ингичка тола олиш мумкин деса, кўпчилик ишонмайди. Аммо биз яқинда Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги “Geobasalt products” МЧЖда бўлиб, 97 фоиз табиий хомашё ҳисобига оддий тошлардан ноёб базальт кимёвий толаси олинаётганига гувоҳ бўлдик. Аҳамиятлиси, корхона нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона.**




Форишдаги ушбу базальт корхонасигача юртимизда бундай лойиҳалар бир неча бор ишга туширилган, аммо турли сабабларга кўра тўхтаб қолган. 2017 йилда мазкур кластер жамоаси ишни изланишдан, ўрганишдан бошлади. Аввалига россиялик ва италиялик мутахассислар жалб қилинди. 17,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағнинг бир қисмига “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳомийлигида Буюк Британиядан технологик ускуналар келтирилди. Жиззах, Фориш ва Зафаробод туманидаги мактабни, коллеж ва институтларни битирган 350 нафарга яқин ёшлар ва ўрта ёшли аҳоли тоғ бағридан тошни ажратиб олишдан тортиб, уни ювиш, эритиш ва керакли кимёвий моддалар таъсирида тола олишгача бўлган жараёнларни махсус курсларда ўқиб-ўрганди. 2019 йилда Президентимиз корхона фаолияти билан танишиб, унинг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Мана, орадан уч йилча вақт ўтди. Корхона бир муддат тўхтамасдан ишлаб келмоқда. Базальт толаси деворлар, томлар, пол, пойдевор, турар жой ва ишлаб чиқариш хоналари қувурларининг иссиқлик изоляцияси, шунингдек, бинонинг олд қисмлари, саноат ускунаси ва ҳар қандай бошқа кўринишдаги қурилиш конструкцияларини совуқ ўтмайдиган қилиш учун замонавий ва энг оптимал ечимдир. У юқори коррозиявийлик ва кимёвий чидамлиликка эга. Бундан ташқари, базальт паст иссиқлик ўтказувчанлилик, паст ҳароратларда юқори бардошлилик ва кўпга чидамлилик билан фарқланиб туради. Ушбу сифатлари туфайли маҳсулот йўл ва уй-жой қурилиши учун энг муҳим материаллардан бирига айланган. Оддий темир 15-20 йилда чириса, базальт толасидан ишланган қувурлар 80 йилгача чидамлилигини сақлаб қолади. Ундан тайёрланган геосеткалар эса қурилишнинг чидамлилигини таъминлаб, мустаҳкамликни 4-5 бароборга оширади.

1000 йиллик тош захирасига эга бўлган тоғлар яқинида барпо этилган корхонада дастлаб қазиб олинган тошлар майдаланади. Сўнгра, сараланиб, Италиядан келтирилган печда 1500 даражада эритилиб, лава ҳолатига келтирилади. Лава ҳолатида эриган тош толаларга айланади.

– Бугунги кунда Япония, Хитой, Туркия каби мамлакатлар шаҳарсозлигида кенг қўлланиладиган базальт толасидан ишлаб чиқарилувчи геосеткалар Ўзбекистон қурилиш материаллари бозори учун энг замонавий инновацион маҳсулот ҳисобланади, – деди “Geobasalt products” МЧЖ бош технологи Аҳмаджон Юсуфжонов. – Бизни янги маҳсулот яратишга ундаган асосий сабаб, базальт хомашёсининг 65 фоизи айнан Жиззах ҳудудида мавжудлигидир. Шунингдек, мазкур қурилиш материали юқори қўшилган қийматли маҳсулот турига киришидир. Европа давлатларига ҳам базальт толасининг ўзини, ундан тайёрланган геосетка маҳсулотларимизни яхши экспорт қиляпмиз. Яқин кунларда эса базальт қувурларини ишлаб чиқаришни ҳам бошлаш арафасидамиз.



Йилига 5 миллион метр квадрат базальт толасидан геосеткалар ишлаб чиқараётган корхона маҳсулотларининг қарийб 68 млрд сўмлик қисми хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. У қурилиш ва йўл қурилишида ишлатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойларида Испания, Англия, Италия, Корея ва Россия давлатларига маҳсулот жўнатилди. Яна бир эътиборли жиҳати, “Uzbekistan bazalt” кластерида 2000 га яқин иш ўрни яратилган бўлса, айнан геосеткалар ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушгач, 120 дан ортиқ маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. Натижада корхона 2021 йилда Жиззах вилоятида “Энг кўп иш ўрни яратган корхона” номига ҳам сазовор бўлди.

– Ўзим коллежни тамомлаганман. 2019 йилда Россияда ишлаб юргандим. 2020 йил пандемия пайтида уйимга қайтдим ва уйландим. Анча пайт ишсиз юриб, ўтган йилдан бери шу ерда ишлаяпман, – деди зафарободлик Бобур Ҳолиқов. – 3 миллион сўм маош оляпман. Иш тажрибам ошгани сари маошим ҳам ортиб бораверади. Қолаверса, ишга бориб келиш учун махсус автобус ташкиллаштирилган. Икки маҳал иссиқ овқат берилади. Ана шу томонларини ва яқинларим, оилам бағрида бўлишимни ҳисобга олиб, келгусида ҳам шу корхонада ишламоқчиман.

## Дастур доирасида қўшимча бино қурилди

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Янгиобод туманидаги 1-сектор ҳудудига қарашли “Совот” ҚФЙдаги Соҳибкор қишлоғида жойлашган 16-сонли умумий ўрта таълим мактаби учун “Обод қишлоқ” дастури асосида қўшимча бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Тантанали маросимда сўз олганлар келажакда бу маскандан буюк инсонлар етишиб чиқишига тилак билдиришди. Ушбу мактаб дастлаб 120 ўринга мўлжалланган эди. Ҳозир эса дастур асосида 1,66 млрд сўм маблағ эвазига 80 ўринли янги қўшимча бино бунёд этилди.

Бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан бирга, кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, бутунлай янгича қиёфага кирди. Тадбир иштирокчилари синфхоналарда ўқувчиларнинг замонавий таълим олишлари учун яратилган шароитлар билан танишди.

## Ҳамкорликда янги лойиҳа ишга тушади

**Жиззах шаҳар ҳокимлиги вакиллари Хитой Халқ Республикасидан келган тадбиркорлар билан “Жиззах ЭИЗ”да учрашиб, унда умумий қиймати 25 миллион АҚШ долларилик кафель ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича музокаралар олиб боришди.**

Мазкур жараёнда хорижий тадбиркорга ер олиш тартиби ва ҳукумат томонидан бериладиган имтиёзлар тўғрисида атрофлича тушунтириш берилди. Учрашув сўнгида лойиҳани амалга ошириш учун қулай, деб топилган ер участкаси жойига чиқиб ўрганилди.

## Ирригация тизими янгиланади

**Сўнгги йилларда республикамизда сув танқислиги сезилмоқда. Натижада ҳудудларнинг чўлланиши каби салбий ҳолатлар кузатиляпти.**

Ушбу экологик хавфни бартараф этиш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Шунингдек, сувни узатиш ва етказиб бериш иншоотлари жисмонан эскиргани туфайли уларни қуриш ва реконструкция қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган. Буюк Британиянинг United Concrete Canvas компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган сувни тежайдиган қурилиш воситалари сув ресурсларини тиклаш, ирригация тизимини модернизация қилиш каби ислоҳотларни амалга оширишда аҳамиятли бўлмоқда.

## Электр таъминотида узилиш бўлмайди

**Фориш туманининг 2-сектор ҳудудидаги Қораабдол ота маҳалласида Жаҳон банкининг “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида электр энергияси тармоқлари реконструкция қилинмоқда.**

Жумладан, Чоғишмон, Узунбулоқ, Кўса, Қораабдол ота, Ойтамғали, Болғали, Йўллисой, Тоғқишлоқ сингари қишлоқларда эскирган электр тармоқлари таянчлари ўрнига 1087 та темир-бетон таянчлар ва 18 та янги трансформатор пунктлари ўрнатилади, 27 километр альюмин сим тармоқлари ўрнига сим кабеллар тортилади.

## Хизмат кўрсатиш муддати 50 йилдан ошади

**Жиззах вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида ўтган тақдимотда сўз олганлар бетон қопламани каналларга тахлаш тезлиги каналларга бетон қўйиш тезлигидан 10 марта тезроқ эканини таъкидлашди.**

Бетон қопламани тахлаш, бетон қўйиш жараёнида лозим бўлган ва узоқ давом этадиган тайёргарлик ишларига зарурат бўлмайди. Фақатгина канални текислаш ишлари амалга оширилади. Тажрибалар ва ҳисоб-китобларга асосан бетон қопламанинг хизмат кўрсатиш муддати 50 йилдан иборат. Ҳозирги пайтда бетон қоплама, нефтигаз, автомобиль ва темир йўл қурилишида ва бошқа кўп соҳаларда қўллаш имконияти мавжуд.

**Андижон вилояти**

# “ДУРДИЁР” – энг обод маҳаллалар қаторидан жой олмоқда

**Зиё СИРОЖ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Инсон қадри ҳамма нарсадан улуғланаётган юртимизда уларнинг турмуш шароитини яхшилашга бўлган эътибор ҳар доимгидан ортди. Бу борада давлат дастурларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Жумладан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари ижросини таъминлаш доирасидаги ишлар туфайли ҳатто энг чекка ҳудудлардаги шароити оғир маҳаллаларда ҳам шаҳарникидан қолишмайдиган даражадаги шароитлар яратиляпти. Жумладан, Андижон вилоятида 72 та маҳаллада аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудни ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Уларнинг 32 тасида “Обод қишлоқ” давлат дастури асосидаги бунёдкорлик ишлари йўлга қўйилган.**




Республикамизнинг энг олис манзилларидан бири бўлмиш Дурдиёр маҳалласи Пахтаобод тумани марказидан 25 километр узоқликда жойлашган. Афсуски, сўнгги йилларда нафақат, унинг манзили, балки, унга бўлган эътибор ҳам бироз узоқлашиб кетганди. “Обод қишлоқ” дастури туфайли энди у вилоятдаги энг обод маҳаллалар қаторидан жой оладиган бўлди. Бунинг натижасида, табиийки, аҳоли турмуш шароити янада яхшиланмоқда. Амалга оширилаётган ишлар натижасида маҳалла қиёфаси тубдан ўзгара бошлади. Йўл, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, таълим, соғлиқни сақлаш каби йўналишлардаги узоқ йиллик муаммолар аста-секин барҳам топмоқда.

Маҳалланинг энг оғриқли муаммоларидан бири тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлиб, таъминотдаги муаммолар аҳолини узоқ йиллар давомида қийнаб келар эди. Кимдир сувни маълум масофадан ташиб келган бўлса, айримлар ариқдаги истеъмолга яроқсиз сувни тиндириб ичишга мажбур эди.

– Шу кунгача 2,5 километр масофага янги сув қувури тортилиши эвазига таъминотдаги узлуксизликка эришилди, – деди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ Матбуот хизмати раҳбари Марҳабохон Насриддинова. – Шу билан бирга, ҳар бир хонадонга сув жўмраклари ҳамда таъминотдаги шаффофликни таъминлаш мақсадида сув ҳисоблаш ускуналари ўрнатилди. Энди “Дурдиёр”ликлар сув масаласида ташвишланмасалар ҳам бўлади.

Маҳаллада янги қурилиб, фойдаланишга топширилган 32-умумтаълим мактабининг директор ўринбосари Шаҳнозахон Раҳимованинг маълум қилишича, ўқувчилар энг яқин мактабга 3 км йўл босиб боришига тўғри келган. Ҳатто қўшни Избоскан туманига қатнаб ўқийдиганлар ҳам бор эди. “Обод қишлоқ” давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадидаги ишлар натижасида маҳаллада 120 ўринли мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда яна 80 ўринли мактаб биноси барпо этилмоқда.

Қўшиқларда чиройли таърифлар билан безанган чанг кўчаларда юришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, қиш кунлари лойга қоришган йўл азоби кишини толиқтириши табиий. Қувонарлиси шундаки, маҳалладаги бу манзара энди тарихда қоладиган бўлди. Сабаби, кўчаларда бетон қопламали йўл қурилмоқда. Шу кунгача 1 км масофада бунёд этилган ана шундай йўл ҳар қандай оғир юкни кўтара олиши билан эътиборлидир.

Ҳудуд аҳолиси бундан буён электр таъминотидаги узилишларсиз истиқомат қилишлари мумкинлигига ҳали-ҳануз ишонмаётганлигини тушунса бўлади. Боиси, мавсумдан қатъи назар таъминотдаги узилишлар уларнинг кундалик ҳаёти қиёфасини кашф этган эди-да. Бироқ, “Дурдиёр”ликлар энди бундан ташвишланмасалар ҳам бўлади. Боиси, ҳудудга ўрнатилган янги электр трансфарматори муаммонинг ижобий ечимини таъминлади. Шу кунларда эски симёғочларни замонавий бетон симёғочларга алмаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Маҳаллада кичкинтойларни боғчага қамраб олиш борасида ҳам хайрли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, қурилиши давом этаётган 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотида ишлар авжида. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 53-оилавий поликлиниканинг ҳудуддаги тиббий пунктида ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилиши эвазига замон талабларига мос қулайликлар яратилди. Бунинг натижасида унинг кунлик қамрови 25-30 тага етди.

Кундан-кунга ободлашиб бораётган “Дурдиёр”да 3000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Дастур доирасидаги жараёнлар натижасида уларнинг йиллар давомида тўпланиб қолган барча муаммолари ижобий ечим топмоқда. Жумладан, йўл, транспорт, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси, тиббиёт, таълим йўналишлари билан бир қаторда уларни даромадга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш лойиҳалари ҳам амалга оширилади.

## Бунёдкорлик ортидан фаровонлик сари

**Бугун Андижон вилоятининг ҳам ҳар бир шаҳар ва туманларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Қувонарлиси шундаки, бу каби саъй-ҳаракатлар энг чекка ҳудудларда ҳам бўй кўрсатяпти.**

Бу эса табиийки, юрт ободлигини таъминлаб, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Жорий йилнинг шу даврига қадар вилоятда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида қиймати 1 трлн сўмдан зиёд бўлган 128 та объектни қуриш ва таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Бу каби жараёнлар жойларда давом этмоқда.

## Истироҳат боғи аввалги мақомини тикламоқда

**Андижон шаҳрида жойлашган Нодирабегим номли маданият ва истироҳат боғи бир пайтлар энг гавжум масканлардан ҳисобланган. Боиси, бу ерда вилоятдаги ягона кўл мавжуд бўлган. Афсуски, сўнгги йилларда манзилга бўлган эътибор сусайди. Натижада маскан қаровсиз жойга айланди.**

Вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов ташаббуси билан айни пайтда истироҳат боғида қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. 8 гектардан иборат кўл ўрни чиқиндилардан тозаланиб, яна сув ҳавзасига айлантирилди. 8 гектар майдонда аҳолининг маданий ҳордиқ олиши учун қулайликлар яратиляпти. Жумладан, кўнгилочар аттракционлар ўрнатилиб, экопарк ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу ерда сув спортининг икки тури билан шуғулланиш учун ҳам шароит яратилади.

## “Ташаббусли бюджет” яратган имкониятлар

**Янги лойиҳаларнинг барпо этилишида “Ташаббусли бюджет” платформасининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Биргина Андижон вилоятининг ўзида 232 та таклиф молиялаштирилди.**

Натижада ҳудудларда йўл, сув, инфратузилма ва турли ижтимоий объектлар қурилиши амалга оширилди. Жумладан, Балиқчи туманидаги Қияли маҳалласида мини стадион барпо этилди. 347 млн сўмлик ушбу лойиҳа туфайли эндиликда қишлоқ ёшлари спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлдилар.

Туманнинг Дўнгсарой маҳалласи аҳолиси онлайн платформа яратган имконият туфайли дастлаб 850 млн сўмлик маблағ эвазига 2 километрдан иборат йўлдаги муаммоларга ижобий ечим топган бўлсалар, ҳозирда ҳудуддаги 15-умумтаълим мактаби учун спорт мажмуаси қурилишига эришдилар. Бунинг учун 1 млрд сўм маблағ йўналтирилди. Айни пайтда ўйингоҳда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

## 100 та хонадондан иборат турар жой мажмуаси

**Пахтаобод туманининг Кўқонқишлоқ маҳалласида 5 та кўп қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозирда уларнинг 3 тасида бунёдкорлик ишлари авж паллада.**

Қолган иккитаси келгуси йил март ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Ҳар бири 20 та хонадондан иборат ушбу турар жой мажмуаси келгусида пахтаободлик 100 та оиланинг бахт кошонасига айланиши, шубҳасиз.

## 15 млн сўмлик маҳсулот хорижга экспорт қилинади

**Асака туманида “Dinar group” МЧЖ томонидан 10 млн АҚШ доллари миқдоридаги қийматга эга бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунёдкорлик ишлари натижасида замонавий пардалар ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилади.**

Мазкур корхона келгуси йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлиб, биринчи босқичда 300 нафар янги иш ўрни яратилади. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат, ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналтирилади. Ҳозирча бир йилда 15 млн АҚШ долларлик маҳсулот хориж бозорига етказиб берилиши кўзда тутилган.

## Обод маҳаллалар сони ортяпти

**Юрт ободлигини таъминлаш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасидаги ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Ҳозирда вилоятдаги 27 та маҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари йўлга қўйилган. Бу ҳаракатлар натижасида ҳудудлар комплекс тарзда ривожланиб, халқ фаровонлигига эришилмоқда.**

Жумладан, Марҳамат туманидаги Бирлик маҳалласида истиқомат қилаётган 2900 нафар ҳамюртимизнинг турмуш шароитини яхшилашда ҳам ушбу лойиҳа муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда 5 та кўчадаги 1,4 километрдан иборат ички кўча бетон қоришмали йўлга айлантирилди. 3,5 километр йўлга тош-шағал ётқизилиб, 2 км кўча асфальтлаштирилди.

Шунингдек, 5 километр янги сув тармоғи тортилиб, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди. 100 дан ортиқ симёғочларнинг янгисига алмаштирилиши ва 4,5 километр узунликдаги электр тармоғининг тортилиши эса электр таъминотидаги барқарорликни юзага келтирди.

Қувонарлиси шундаки, энди маҳалла ўз гузарига эга. Бу ерда соғломлаштириш маркази ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш масканлари фаолияти йўлга қўйилди. 30 нафар хотин-қизларни доимий иш жойи билан таъминлаган ишлаб чиқариш корхонаси ва отахонлар учун чойхона ҳам шулар жумласидандир.

## Самарқанд вилояти

# Қўшма корхона афзалликлари

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori"мухбири.

**Мамлакатимизда бозор муносабатлари механизми такомиллашиб, одамларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартирмоқда. Хусусий мулкчиликни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда унинг ўрнини салмоқли кўрсаткичга етказиш борасидаги юмушлар диққатга сазовор.**

Самарқанд туманида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар кўп. Жорий йилда ҳаётга татбиқ этилаётган 200 та лойиҳанинг асосий қисми тадбиркорларга тегишли бўлиб, улар ўн мингга яқин кишини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишган. Бинобарин, туман иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция дастурлари муҳим ўрин тутаётгани шу фикрга яққол мисолдир.

"Master prime Jiansu metall" МЧЖни ана шундай корхоналар сирасига киритиш мумкин. Сендвич панел, пенопласт ва профнастил ишлаб чиқаришга мослашган жамият фаолиятини яқинда бошлаганига қарамай яхшигина ютуқларга эришмоқда.

– Хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этган қўшма корхонамиз маҳсулотлари аллақачон ички бозордан муносиб ўринни топди, – деди ишбилармон раҳбар Қаҳрамон Аҳмедов. – Сифатга жиддий аҳамият қаратилаётгани туфайли муваффақиятга эришяпмиз. Айни пайтда маҳсулотларимизни экспортга чиқариш учун астойдил интиляпмиз.

Қарийб 20 миллиард сўм маблағ ҳисобига ишга туширилган корхонада айни пайтда 60 нафар йигит-қиз меҳнат қилади. Уларга барча қулайликлар яратилган. Маҳсулотларга "Ўз дунёнгни қур" бренди берилгани ҳам уларни шижоат кўрсатиб ишлашга ва янги марраларни забт этишга чорламоқда.

Шуни айтиш жоизки, тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан яқинда бу ерда йирик логистика маркази ва янги меҳмонхона қурилиши якунланди.

# Маҳалламизга табиий газ келди





**Шароф МАРУПОВ,**
маҳалла фаоли.

**Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида энг аввало, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш масаласи туради. Аммо барча ҳудудларни бира тўла яхши шароит билан таъминлаш қийин масала. Биз яшайдиган Самарқанд шаҳридаги Чилқудуқ маҳалласи аҳолиси ҳам анча пайтдан буён хонадонларида табиий газни кўриш орзуси билан яшагани рост.**

Бугун маҳалламизда катта байрам. Маҳалладошлар уйларига табиий газ келганини кўтаринки кайфиятда нишонламоқда. Уларнинг қувончига шерик бўлар эканман, инсонни хурсандчилигига сабаб бўлишдек савобли иш йўқлигига яна бир бор ишондим. Боиси, яқинда маҳалламизга Д-76 мм ли газ қувурининг 530 метрини ётқизиш ишлари якунланди. Натижада 50 га яқин хонадон табиий газ билан таъминланди.

– Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, "Ҳудудгаз"нинг Самарқанд газ таъминоти шохобчасига ҳам табиий газ тармоғига улаш илтимоси билан бир неча бор мурожаат қилганмиз, – деди Чилқудуқ маҳалласида яшовчи Сайёра Назарова. – Бизга қиш бошигача қадар муаммо ҳал бўлади, маҳалла аҳолиси табиий газга уланади, деб ваъда беришган эди. Тўғрисини айтсам, бу масала тез фурсатда ҳал бўлишини кутмаган эдик. Энди маҳалламиз хонадонларида табиий газ қўлланиляпти. Бундан мен каби барча хотин-қизларнинг қувончи чексиз. Чунки энди кун совуқ деб, ўтин-кўмир излашнинг ҳожати йўқ, қолаверса, электр токини ҳам тежаймиз, иситгич ва печкалардан фойдаланмаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, маҳалламиз аҳли номидан вилоят ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари ҳамда "Ҳудудгаз" ходимларига миннатдорчилик билдирамиз. Юртимизда обод ва фаровон маҳаллалар кўпаяверсин.

## Навоий вилояти

# Режалар маҳаллалар ободлигига хизмат қилади

**Шохруз ОЙДИНОВ,**
Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармасининг Аҳоли пунктларида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи.

**Президентимизнинг фармони билан республикамиз қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришга мўлжалланган стратегиясига кўра, юртимиздаги шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш белгиланган.**

Бугунги кунда Навоий вилоятида 53 та шаҳар ва шаҳарчалар мавжуд бўлиб, шундан 7 та ва 16 та шаҳарчанинг бош режалари ишлаб чиқилди. Ҳужжатга таянган ҳолда, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги, ҳисобга олиниб, лойиҳалаш ҳамда жамоатчиликнинг нуқтаи назари эътиборга олинди. Маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, инфратузилмани комплекс ривожлантириш, шунингдек, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда аҳоли турмуш шароитини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Вилоятдаги мавжуд 330 маҳалла фуқаролар йиғинларининг 143 тасида бош режалар ишлаб чиқилди, бу жараён давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 639-сонли қарори билан тасдиқланган дастурига биноан вилоятда 2021 йилда республика бюджети ҳисобидан 12 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ёндош маҳаллаларнинг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилиши белгиланган. Жумладан, Кармана туманида 6 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, Нурота туманида 6 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш схемалари "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган. Дастур доирасида жорий йилда мазкур лойиҳа институти томонидан Нурота ҳамда Хатирчи туманларидаги 12 та маҳалла ҳудудларининг лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда, қишлоқ (овул) аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиши белгиланган.

Режа лойиҳачиларга маҳалла фуқаролар йиғинларининг бугунги кундаги иқтисодий, ижтимоий, ҳудудий ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари ҳамда аҳолининг ўсиш суръатлари каби кўрсаткичлари ўрганилиб, барча кўрсаткичларни давлат дастурларида белгиланган ҳамда шаҳарсозлик нуқтаи назаридан меъёрий талабларга мослаштирилди.

Бош режа лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад аҳоли пункти ҳудудини аниқ функционал ҳудудларга ажратиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолини уй-жой ва бошқа инфратузилма объектлари билан таъминланганлигини меъёрий талаб даражасига олиб чиқиш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини таъминлаш, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар ҳудудидан четга чиқариб, уларнинг ўрнига замон талабларига мос, экологик тоза ишлаб чиқаришга ихтисослашган объектларни жойлаштириш билан атроф-муҳит софлигини муҳофазалашдан иборат.

# Каттақўрғонликлар ташаббус кўрсатмоқда

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Каттақўрғон тумани Самарқанд вилоятининг энг йирик туманларидан бири дир. Ҳудуддаги мавжуд камчиликлар кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келарди. Эндиликда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси каттақўрғонликларнинг ташаббусларига асос бўлиб хизмат қилмоқда.**

Айтиш керакки, туманда фуқаролар томонидан жами 140 та таклиф илгари сурилиб, ишчи гуруҳ томонидан 68 та таклиф овоз бериш жараёни учун саралаб олинди. Овоз бериш якунларига кўра 11 та таклиф ғолиб деб топилди. Жумладан, эндиликда А. Қаҳҳор номидаги МФЙдаги 12 та кўп қаватли уйларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда оқова сувини умумий тармоққа улаш, сув қувурлар тортиш ва насос ўрнатиш, Каттақўрғон шаҳридаги "Зомин" МФЙ биносини замонавий кўринишда қайтадан реконструкция қилиш ишлари бошланади.

– "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси том маънода аҳоли ҳамжиҳатлигининг намунаси бўлмоқда, – деди Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Эркин Жўраҳолов. – Ушбу хайрли тадбир доирасида ўнлаб муаммоларнинг ҳал этилишига эришилмоқда. Амалда қай турдаги масала бўлишидан қатъи назар камчиликларнинг бартараф этилиши аввало халқ манфаати йўлида амалга оширилмоқда. Хусусан, лойиҳага биноан тиббиёт бирлашмасига видеогастроскоп аппаратини сотиб олиш таклифи илгари сурилган эди. Натижада мазкур таклиф 729 та овоз тўплаб, таклиф амалиёти учун 370 млн сўм ажратиладиган бўлди.

Шунингдек, тумандаги "Чордара" МФЙ биносини қайта қуриш, маҳалла ҳудудидаги Қушҳовуз, А. Навоий кўчаларини доимий ичимлик суви тармоқларига улаш, Каттақўрғон шаҳрининг Ингичка қўрғонидаги И. Шоир номидаги МФЙ Туркистон кўчасида жойлашган 21-МТМ ҳудудида болалар қамровини ошириш мақсадида қўшимча бинони иссиқлик тизими ва ирригация тизимини таъмирлаш, "Зарифобод" МФЙнинг Боғ ўтар кўчасига оқава тизимини ўтказиш, "Ғарб-Мачит" МФЙнинг Давлатобод кўчаси, 138-уй орқасидаги бўш турган жойда болалар майдончаси қуриш, "Ноқис" МФЙнинг Ўзбекистон кўчасидаги 65-"А" ҳамда 65-"Б" кўп қаватли уйларни сув таъминоти билан доимий таъминлаш, "Қориравот" МФЙ биносини замонавий қайта қуриш, "Баланд Чордара" МФЙнинг Ш. Одил кўчасини 400 метр қисмини асфальт қилиш учун таклиф этилган ташаббуслар ғолиб деб топилди.

Жорий йилнинг 15 июлидан 17 сентябрига қадар давом этган "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 2-мавсуми якунига етди. "Ташаббусли бюджет" жамғармасининг 2-мавсуми учун бюджет маблағлари ҳисобидан 2 млрд 729 млн сўм, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 979 млн сўм маблағ йўналтирилди.

## Бухоро вилояти

# Маданий мерос объектлари кўздан кечирилди



**Зуҳриддин АХАДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Вазирлар Маҳкамаси томонидан "2022-2026 йилларда Бухоро вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юзасидан Бош вазир ўринбосари – Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади Бухорога ташриф буюрди.**

Меҳмонлар шаҳардаги "Арк" қалъаси, Масжиди Калон, Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасалари, Қоракўл туманидаги қадимий Пойкент археология ёдгорлиги, Нодир Девонбеги мадрасаси, Хўжа Калон масжиди ҳамда ҳовузи каби маданий мерос объектларида олиб борилаётган таъмирлаш-тиклаш, реставрация ишлари билан танишишди.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги Ғиждувон кўчасида жойлашган "Metric Ventures" (Hyatt Regency), "International Hotel Services" (Whyndham), "Tinchlik" "Olmachi Tur Servis" масъулияти чекланган жамиятларига қарашли меҳмонхоналарнинг қурилиш жараёнларини кўздан кечиришди. Шунингдек, Когон туманида жойлашган Амир Олимхон саройи реставрацияси ва таъмирланишига доир кўрсатмалар берилди.

Давлат раҳбарининг ташаббусига кўра, вилоятда ташкил қилиниши кутилаётган "Туризм шаҳарчаси"ни қуриш бўйича мутасаддилар билан таклифлар тайёрланиши муҳокама қилинди ҳамда Туризм ва маданий мерос техникуми кўздан кечирилиб, ўқув масканидаги қурилиш-таъмирлаш ишларини ноябрь ойига қадар якунлаш бўйича топшириқлар берилди.

## Наманган вилояти

# Гуллар шаҳрида – халқаро форум

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наманган яна бир йирик анжуманга мезбонлик қилмоқда. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қатор олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган "Фарғона водийсида физика фанининг бугунги куни ва унинг янги йўналишларини ривожлантириш истиқболлари" муҳокамасига бағишланган "Физика – 2022" Иккинчи халқаро форум бўлиб ўтди. Анжуман Наманган муҳандислик-технология институти негизида ташкил этилди.**

– Олий ўқув юртимиз кейинги йилларда халқаро ҳамкорликни кенгайтираётгани яхши самара бермоқда, – деди институт профессори, техника фанлари доктори Ҳамид Аҳмадхўжаев. – Бу, илмий изланишлар самарадорлигини оширишда, тадқиқотлар кўламини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. Фан ва ишлаб чиқариш тараққиётига ҳисса қўшаётган ёш олимлар тобора кўпаймоқда. Ҳозир талабаларимиз орасида ҳам илмий изланиш олиб бораётганлар оз эмас.

Тадбир қатнашчилари сафида турли қитъаларнинг вакилларини учратиш мумкин. Айниқса, Россия, Малайзия, Беларусь, АҚШ, Германия, Австралия, Франция, Замбия, Италия, Португалия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондан ташриф буюрган олимлар кўпчиликни ташкил этади.

Форум доирасидаги асосий тадбирларда водийдаги университет ва институтларда физика бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар муҳокама қилинади, олимлар ўз ишларининг натижалари ҳақида ахборот беради. Ўзаро таҳлил ва тажриба алмашиш ҳам кун тартибида. Бу борада олимлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Наманган муҳандислик-технология ва муҳандислик-қурилиш институтлари ҳамда Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги ярим ўтказгичлар ва микроэлектроника институти, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Материалшунослик институти ҳамда шу академиянинг физика-техника институтлари ўртасида шартномалар имзоланди.

# Норинда янги лойиҳа

**"Яшик" МФЙда жойлашган "XINYUAH" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона янги лойиҳани ишга туширди.**

У мошни қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Лойиҳага 1,5 млн АҚШ доллари сарфланиб, маблағнинг учдан икки қисми хорижий инвестиция ҳисобланади.

Мазкур корхона тўлиқ ишга тушиши натижасида 20 та иш ўрни яратилади. Бу ерда йилига 10 минг тонна мош қайта ишланиб, маҳсулот асосан Хитойга экспорт қилинади.

# Янги МТТ иш бошлади

**Давлатобод туманининг Елхон маҳалласида 37 йил аввал қурилган мактабгача таълим ташкилоти янги қиёфа касб этди.**

У "Иншоот Инвест" хусусий корхонаси томонидан 3 млрд 251 млн сўмлик маблағ ҳисобига замонавий кўринишда қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

# Обод йўллар манзилларга элтади

**Тўрақўрғон туманида "Обод қишлоқ" дастури изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, ички йўлларни ободонлаштиришга катта эътибор қаратиляпти.**

Йил бошидан бери Хўжанд маҳалласида 2,9 километр, Гулқишлоқда 3,8 километр йўллар асфальт-бетон билан қопланди. Айни кунларда эса Истиқлол маҳалласининг 3,7 километр ички йўлини ободонлаштириш давом этмоқда.

– Тўртта техника воситаси, 15 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, – деди "Қурувчи" хусусий корхонаси иш бошқарувчиси Садриддин Иброҳимов. – Мақсадимиз – аҳолига равон йўлларни тақдим этиш. Шунинг учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этганмиз.

# Йўл қурилиш сифати яхшиланмоқда

**Автомобиль йўллари республикамиз иқтисодиётининг қон томирларидан бири ҳисобланади. У орқали ҳар йили миллионлаб тонна юклар керакли манзилга етказилади.**

Бир неча йилдирки, бошқа соҳалар қаторида йўл инфратузилмасини замон талабларига мослаштириш юзасидан давлатимизда кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурида халқаро миқёсдаги ва ички хўжалик йўлларини мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ҳамда талаб даражасига келтириш учун катта миқдорда маблағ ажратилди. Бугунги кунда дастурда белгиланган топшириқларни муддатида адо этиш бўйича катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Навоий вилояти йўлсозлари ҳам давлат дастурлари доирасида 1112 километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш юзасидан истиқболли режа ишлаб чиқилган. Жумладан, шу кунгача республика бюджетининг 171,7 миллиард сўм маблағи ҳисобига умумий фойдаланишда бўлган 192 километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга эришилди.

Вилоят йўл қурилиши мутахассисларининг таъкидлашларича, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш дастури учун ажратилган 63 миллиард сўм маблағ ҳисобига 179 километр узунликдаги йўлларда жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. Бундан ташқари, 580 километр масофадаги йўлларда махсус йўл чизиқлари чизилиб, 2 572 дона янги интенсив нур қайтарувчи йўл белгилари ўрнатилди. Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 4 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳисобига вилоят ҳудудидаги 4,6 километр ички йўлларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Айтиш жоизки, вилоятда бу сингари ишларнинг муддатида сифатли бажарилишини таъминлашда ишлаб чиқариш корхоналарининг қўшаётган ҳиссалари алоҳида ўрин касб этмоқда. Масалан, Навбаҳор туманидаги "Навбаҳор туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонасига қарашли асфальт ишлаб чиқариш заводи замонавий технологиялар қувватидан самарали фойдаланиб соатига 120 тонна маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Корхонада бугунги кунда 135 нафар ишчи-ходим доимий иш билан таъминланган.

Тумандаги яна бир корхонада амалга оширилаётган ишлар ҳам йўл қурилиш баробарида мазкур жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ихтисослаштирилган. Яъни, Қоражон маҳалласида вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармасига қарашли "Навоиййўлкўкалам" унитар корхонасида йўл атрофларига экиш учун манзарали кўчат ва буталар парваришланади. Ҳозирда бу ерда 50 минг тупдан зиёд манзарали дарахтлар, бута кўчатлари етиштириляпти. Улар катта йўллар атрофида ҳамда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 186 километр ички хўжалик йўлларининг ён-атрофига экилиб, парвариши назоратга олинган.

Маълумот ўрнида айтиш керак, Президентимизнинг шу йил 18 майдаги "Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан вилоятда 130 километр цемент-бетон қопламали йўл қурилиши белгиланган бўлиб, 98 километр йўл кластер усулида, 32 километр йўл эса "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилиши белгиланган. Бу бўйича манзилли рўйхат тасдиқланган ва кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш ишлари "Қизилқумцемент" АЖ корхонаси зиммасига юклатилган. Айни пайтда маҳаллаларда шу йўналишдаги ишларга ҳам қизғин киришилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИК “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” при Андижанском областном хокимияте

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум Без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечения в виде банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-AND-W-23 | Реконструкция внутренних дорог в МСГ “Сой буйи” Булакбашинского района Андижанской области | 4 454 346 572 | 65 | 89 086 931 |
| MOEI-RIDP-AND-W-24 | Реконструкция внутренних дорог в МСГ “Ёрбоши” Булакбашинского района Андижанской области | 3 981 227 928 | 65 | 79 624 559 |
| MOEI-RIDP-AND-W-25 | Реконструкция внутренних дорог в МСГ “Боги Эрам” Бустанского района Андижанской области | 3 517 497 222 | 50 | 70 349 944 |
| MOEI-RIDP-AND-W-26 | Реконструкция внутренних дорог в МСГ “Корабогич” Мархаматского района Андижанской области | 2 672 559 070 | 40 | 53 451 181 |
| MOEI-RIDP-AND-W-27 | Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ “Кургонча” Мархаматского района Андижанской области | 3 053 264 910 | 43 | 61 065 298 |
| MOEI-RIDP-AND-W-28 | Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ “Рохат” Мархаматского района Андижанской области | 3 460 161 429 | 47 | 69 203 229 |
| MOEI-RIDP-AND-W-29 | Реконструкция внутренних дорог в МСГ “Дустлик” Пахтаабадского района Андижанской области | 1 868 079 939 | 40 | 37 361 599 |
| MOEI-RIDP-AND-W-30 | Реконструкция внутренних дорог в МСГ “Кургонча” Пахтаабадского района Андижанской области | 2 248 801 003 | 35 | 44 976 020 |

### Инжиниринговая компания “Служба единого заказчика” при Андижанском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка”, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет **300 000** сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Андижанской области**<br>**Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).<br>**Тел./факс:** 74-223-57-05.<br>**E-mail:** andijon.tender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Андижанской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001<br>Андижанский городской филиал АКБ “InFinBank”<br>**ИНН:** 202 453 348 **МФО:** 01114 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16:00 ч. (по ташкентскому времени) 7 ноября 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов по Андижанской области.
**Адрес:** г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).
**Тел./факс:** 74-223-57-05.
**E-mail:** andijon.tender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Топволдиев.

# ИК “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” при Ферганском областном хокимияте

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-W-20 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Девайрон” Сохского района Ферганской области | 1 551 184 973 | 90 | 31 023 699 |
| MOEI-RIDP-FER-W-21 | Реконструкция школы №9, расположенной в МСГ “Гулистан” Сохского района Ферганской области (дополнительное строительство учебного блока) | 3 462 381 474 | 90 | 69 247 629 |
| MOEI-RIDP-FER-W-22 | Реконструкция школы №12, расположенной в МСГ “Кизилкиёк” Сохского района Ферганской области (дополнительное строительство учебного блока) | 2 455 926 763 | 90 | 49 118 535 |
| MOEI-RIDP-FER-W-23 | Реконструкция системы питьевого водоснабжения населения МСГ “Чеккуприк” Фуркатского района Ферганской области | 2 326 260 203 | 90 | 46 525 204 |
| MOEI-RIDP-FER-W-24 | Реконструкция системы питьевого водоснабжения населения МСГ “Шункор” Фуркатского района Ферганской области | 3 799 456 485 | 90 | 75 989 130 |

**Во исполнение постановления Президента Республики Узбекистан “О мерах по реализации проекта “Развитие сельской инфраструктуры” с участием Международной ассоциации развития Всемирного банка и Азиатского банка инфраструктурных инвестиций” за № 4898 от 25 ноября 2020 года,**

### Инжиниринговая компания “Служба заказчика в сфере строительства” при Ферганском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка”, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Ферганской области, а также ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 345 000 сум с учетом НДС.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Ферганской области**<br>**Адрес:** г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111 “б”.<br>**Тел.:** 99-615-68-91, 99-615-68-92.<br>**E-mail:** fartender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Ферганской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 2037 6761 8001<br>Ферганский филиал АКБ “InFinBank”<br>**ИНН:** 202 529 457 **МФО:** 01128 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 18.00 (по ташкентскому времени) 3 ноября 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве.
**Адрес:** г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111 “б”.
**Тел.:** 99-615-68-91, 99-615-68-92.
